



СЎЗБОШИ

Кўхна ва бой бадий адабиётимизнинг тадрижий давоми ва таркибий кисми сифатида XIX асрнинг иккинчи ярми ва асримиз бошларидаги Кўкон адабий мухити халкимиз бадий тафаккури тарихида муҳим босқич ҳисобланади. Бу даврда Кўконда Писандий, Мухий, Корий, Нисбатий, Муқимий, Фуркат, Ерий, Мавлавий йўлдош, Зорий, Мухаййир, Рожий, Гурбат, Мухсиний, Муҳаммад Ҳаким, Нусрат, Тамкин, Тоиб, Котибий, Насимий, Шайдоий, Ножий каби ўнлаб истеъдодли шоирлар етишди.

Халкимизнинг машҳур, севиқли шоирларидан бири мавлоно Хазиний ҳам юкоридаги ижодкорлар даврасида ижод этди. Афсуским, шонринг муфассал таржимаи холига эга эмасмиз. Унинг ҳаётига оид айрим лавҳалар мазкур зотнинг 80 ёшлик амакиваччаси Валихон Мастонова сакланаётган 5 та мўътабар кўлёзма ҳужжатда, авлодлари ва айрим замондошлари хотирасида сакланиб қолган. Мазкур ҳужжатлардан иккитаси Хазиний аждодлари шажарасидир.

Хижрий 1287, милодий 1870 йилда тузилган шажарада шоирнинг ота томонидан Набирахожа эшон исмли аждодининг йигирма олти насаб билан халифа Ҳазрат Алининг отаси Абдулмуталлибга етиб бориши қайд этилиб, ҳужжат 74 муҳр билан тасдиқланган. Иккинчи шажарада она томонидан пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга уланиши кўрсатилган. Маълумотномага 22 та муҳр босилган. Шажаралардан маълум бўлишича Хазиний аждодларидан ўнлаб кишилар шу даврининг машҳур олим ва шоирлари бўлишган.

Шоирнинг исми шарифи Зиёвуддин бўлиб, отасининг номи Каттахўжадир. Бўлажак шоир 1867 йил июнь ойида Фаргона вилоятининг Кенагас қишлоғида зиёли-деҳқон оиласида дунёга келади. У бошланғич маълумотни отасидан олган. Сўнг мутолаа йўли билан кўп билим ҳосил қилиб, фазлу, қамолатга эришган. Хазиний деҳқончилик касби билан шугулланган, Хозирги Бағдод туманидаги Чопдор қишлоғидаги қумлик ерларни ўзлаштирган, мевали дарахтлар эктириб, боғ яратган, катта ҳовуз қавлатган, тегирмон ва бошқа бинолар қурдирган.

Хазиний ижоди ҳақида уквчига маълум тасаввур берувчи «Баёзи Хазиний» [«Хазиний баёзи»] Тошкентда уч марта чоп этилган. Дастлаб хижрий 1328 милодий 1910 йилда Тошкент шаҳрида «Матбааи Гуломий»да нашр этилган шеърий мажмуасининг унвон варағида шундай дейилган:

«Алхамдулиллаҳ ва-л миннаки, ушбу китоби мустатоб [ёқимли] саодат интисоб [бахтиёрликка мансуб] бу овони файзиқтиронда ва замони фархатнишонда шоири оташзабон, айни Хазиний тўра эшони Хўқандийнинг ашъорларидан хўшачинлик қилиб жамъ этилуб, сафҳаи ижодга намудор қилинди. Нечунким, алҳол ушбу хожанинг

абётлари Фаргона ва Тошкенд ва гайри ерларга макбул ва маргубдур. Бинобарин, табъ ва тамсилаги кўшиш килинуб, ном кўюлди «Баёзи Хазиний» маа ашъори гарибаи шуаро Дигар ва абёти хаводиси зилзилаи Андижон деб. Мунинг шарига саъи балиг кўргузгон факирул хакир, тожири кутуб Мирзо Ахмад бинни Мирзо Карим махрум».

«Баёзи Хазиний» хижрий 1329 (милодий 1911) йилда шоирнинг янги шеърлари билан бойитилиб иккинчи марта нашр этилди. Учинчи марта мазкур баёз хижрий 1331 (милодий 1913) йилда Тошкентда, О. А. Порцев матбаасида босилди.

Машхур хофизимиз мулла Тўйчихон Тошмухаммадхон ўглининг кўшикларидан тузилган «Армуғони Хислат» (Тошканд, «матбааи Гуломий», 1912 йил) баёзига Хазинийнинг «Ё Хаёт ан-набий» радифли газалига Камий ва мазкур баёз котиби Сирождидин махдум Шавкатнинг боғлаган мухаммаслари, «Кел» радифли газалига Хислат боғлаган мухаммас киритилган. Аввалги икки мухаммаснинг «Хўқандча хониш» охангида, кейингисининг «Дилхирож» куйида айтилиши уқтирилган.

«Баёз» маа «Гулшани ашъор» (Тошканд, 1913 йил) баёзига шоирнинг газали ва мухаммаси киритилган. Тошкандда нашр этилган «Махбубул-махбуб» баёзига ҳам Фаргона музофотидан етишган шоирлар асарлари каторида Хазинийнинг Хамза мухаммас боғлаган газали ва Амоний Арабонийнинг шоирнинг «Кошки» радифли газалига боғлаган мухаммаси киритилган.

Шоир авлодларининг таъкидлашларича, Хазиний ўз шеърларики жамлаб девон тузган. Кейинчалик бу девон шоирнинг катта ўгли Амакихонда сакланган. 30-йиллар охиридаги катогон пайтида Амакихонни эшонликда айблаб, уйини тинтув килиб, отасининг девони олиб кетилган, ўзини камашган.

Бу нодир девонни излаш хозирга қадар натижа бергани йўқ.

Таассуфларким, улуг қадриятларимиздан саналмиш ўтмиш адабиётимизга синфий, партиявий нуктаи назардан қаралган вақтларда, кўхна ва бой адабиётимизнинг кўплаб намояндлари сунъий равишда «илгор» ва «реакцион» гуруҳларга бўлиб, ноҳолис баҳоланди... Туркий халқларнинг фахри, файласуф шоир, мутафаккир «султонул орифин» (орифлар султони), «кутби миллат ваддин» («миллат ва диннинг кутби») Хўжа Яссавий хазратдан тортиб бу зоти бобаракотнинг издошлари Сўфи Оллоёр, Мажзуби Намангоний, Корий, Мухйи, Азимий, Жалолий, Хазиний Хўқандий каби ўнлаб шоирларимизнинг пурхикмат асарларидан халқимиз яқин йилларгача махрум бўлиб келди.

Минг шукрим, мустикаллик ва озодлик шарофати туфайли ўтмиш маданий-адабий меросимизни холис ўрганиш, бор ҳақиқатни айтиш имкониятига эга бўлдик.

Хазиний анъанавий ишқий газаллар ёзиш билан бирга тасаввуф руҳида ҳам асарлар ёзган. Унинг ижодий хазинасининг маълум бир қисмини Куръон оятлари ҳамда Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларига даъват қилувчи асарлар ташкил қиладик, бу хусусият шоирга исломий нуктаи назардан ҳам алоҳида эътибор кўрсатилмоғини тақозо этади.

Биз ушбу тўпламга Хазинийнинг ҳар учала тошбосма баёзидан, Гафур Гулом номидаги Фаргона вилояти музейи жамғармасидаги 45, 4312-рақамли кўлёзма баёзлардан ва бошқа манбаалардан 961 мисрадан иборат 49 та шеърини аниқлаб, киритдик.

Тўплам анъанавий девон тартибида тузилдики, ниятимиз китобхон мутоаласини раволаштириш эди. Албатта, ушбу мажмуа дастлабки тажриба бўлганлиги учун айрим нуксонлардан холи бўлмаслиги табиийдир. Бунинг учун узр сўраб, тўплам

хакидаги фикр-мулохазаларингизни мамнуният билан қабул этишимизни билдирамыз.

Ахмад МАДАМИНОВ,
филология фанлари номзоди

Жаҳони бевафодин охири бир кун кетар бордур,
Бу дунё бир работ, ҳар ким қўнуб бир-бир ўтар бордур.

Ишонма боғу рогинг, молу мулку тахту бахтингга,
Қуёшдин ибрат олгил, турмайпн охир ботар бордур.

Агар минг йил умр кўрсанг, жаҳонга подшо бўлсанг,
Бўлуб хоки мазаллат, гўр аросида ётар бордур.

Ибодат айлагил тангрига доим, ухламай тунлар,
Имонингни саломат элтгали неча хатар бордур.

Иигитлик даврини сургил, қариб тоат килурсан деб,
Савобингга худо мухтож эмас, деб ўргатар бордур.

Хазиний, бандалиқда, бас юурсан беҳабар, гофил,
«Кироман қотибайн» ким хайру шаррингни битар бордур.

* * *

Истаса ҳар ким худони, қўнгли вайрондин топар,
Тун сахарларда ва ё ул чашми гирёндин топар.

Лайли Мажнундин ҳабар олмокни килса муддао,
Ошиқи сарғаштани ох ила афгондин топар.

Кетти Байтуллога Адхам тахту бахтидин кечиб,
Жомайи пашминасин саҳрода чўпондин топар.

Юсуфим деб йиглар эрди, байтул-ахзонда мудом,
Яъқуб ўглини сўраб гар Мисри султондин топар.

Окилу донода йўқтур заррача айшу ҳузур,
Бу жаҳон нашъу намосин сўрса, нодондин топар.

Сухбати Хизри набини килса хар ким орзу,
Мисли ул Мусо Калимдек оби хайвондин топар.

Ёр васли куфлини гар истаса мифтоҳини,
Жустужў килса киши, албатта хижрондин топар.

Мисли ул Вайсул-Каран чўлларда тутмишман ватан,
Истаса хар ким Хазинийни регистондин топар.

* * *

Сано айтиб худога андалиб сўйи чаман йиглар,
Каерда жойи махфий бўлса, ул айлаб ватан йиглар.

Жудо бўлса кишиким Юсуфидин пири Канъондек,
Фирок ўтига ўртаб, сокини байтул-хазан йиглар.

Жахондин кетти Яхё гирядин тўхтатмайин кўзни,
Биёбонда мисоли хакни деб, Вайсул-Каран йиглар.

Ризо бўлса ўшал Айюби собирдек балосига,
Адо айлаб вужудин кирмга, мажрух бадан йиглар.

Ки «Ва-л ябку касиран» маънисини ўйлаган одам
Хаёти ичра кулмай, барчадин тарки ватан йиглар.

Яратган холикидин ўзгасини суймаса хар ким,
Худодин харна келса, мисли ул дашти миҳан йиглар.

Тирикликда, Хазиний, хар киши фикрини килмабдур,
Агар ўлса, ани холига гўр ичра кафан йиглар.

* * *

Неча доноларни нодон айлади ишки мажоз,
Ёрни кўйида сарсон айлади ишки мажоз.

Хар киши Мажнун бўлуб, Лайлини гар килса талаб,
Масканин дашту биёбон айлади ишки мажоз.

Теша урди Кўхкан Ширинни хажрида мудом,
Ваъдаи васлида бежон айлади ишки мажоз.

Тохири гурбаткашида ўлди Зухро кўйида,
Ёри рухсорин кизил кон айлади ишки мажоз.

Шайхи Санъондек дилини бўйнига зуннор осиб,
Хукми тарсобача хукбон айлади ишки мажоз.

Юсуфим деб йиглатиб Яъкубни кирк йилгача,
Манзилини байтул-ахгон айлади ишки мажоз.

Хосил этмасдин Зулайхо матлабин жононидин,
Охири зиндони бўхтон айлади ишки мажоз.

Эй Хазиний, мавлавий Жомий билан Хамдамни кўр,
Ул Хусайн Мирзони тугён айлади ишки мажоз.

* * *

Гунахга тавба айлаб, эмди тоат килмасам бўлмас,
Хатою маъсиятларга надомат килмасам бўлмас.

Абас ўтти йигитлик, сад дариго, беҳабарликда,
Ганиматдур, тирикликда ибодат килмасам бўлмас.

На юз бирла борурмиз тухфасиз хак қошига фардо,
Хаётим борича эмди, ибодат килмасам бўлмас.

Сулуким — Кодирия, рахбаримдур пири пироним,
Сахарлар зикри оллохуни одат килмасам бўлмас.

Юруб нафсим учун шул вақтқача, тоатни тарк эттим,
Каноат шахрига бориб, тижорат дилмасам бўлмас.

фужуру фиску исёним халойиклар аро шухрат,
Мадина, Маккатуллони зиёрат килмасам бўлмас.

Эгосиз ит каби умрум ўтубдур дарбадарликда,
Хазиний ихтиёри эмди, хижрат килмаеам бўлмас.

* * *

Кимда дард йўқтур, билинг, харгиз давони истамас,
Кўрса Лукмонни агар, андин шифони истамас.

Тушса хар кимни дилига заррае ишк ўтидин,
Тарк эта-р хою хавас, гайр аз худони истамас.

Хак расулнинг пайравида бўлмаса, уммат деманг,
Рўзи махшарда шафоат Мустафони истамас.

Адлига забт айлади вақти халофатда Умар,
«Жомиъ ал-Куръон» ўшал кони хаёни истамас.

Ул Алишери худо Дулдулсувори лофато,
Шахсувори арсаи Хайбаркушони истамас.

Хак канизн эрдилар, Захро ўшал олийнасаб,
Мустафони кизлари Хайруннисони истамас.

Бул Ҳазиний кўнглида ихлоси ул майхонадин,
Дўзах ўтига ушандог мубталони истамас.

* * *

Ўйласам, махбубима оламда жонон ўхшамас,
Жаннат ичра хуру гулмон, балки ризвон ўхшамас.

Бир ажаб маъшукае монанди йўктур, беназир,
Эхтимоли бор, Юсуфдин бўлак жон ўхшамас.

Ул замонлар чашми Мажнун бирла кўрмас Лайлини,
Зарра тушса ишк, кўз ёшига борон ўхшамас.

Хар нечук дарду аламдин ёр савдоси мухол,
Мархами ёрин висоли, бошка дармон ўхшамас.

Муסיкий минкори кумри, андалиб савтин нетай,
Нола килса нагмаи Довуди хушвон ўхшамас.

Найларам, дарду алам тортмоқдин ўзга чора йўк,
То Ҳазиний, топмасам васфани, девон ўхшамас.

* * *

Каю жонлик жахонга келса, охир ўлмаин колмас,
Тирикликда халойик бир-бири каддини билмас.

Ажаб мотамсаро дунё эрур, поёни йук, билсам
Ки, сан дунёга магрур ўлмагил, харгиз вафо килмас.

Аёгинг остига бокгил, хамма ер ичра пинхондур,
Манам шундек бўлурман, деб сани парвойинга келмас.

Лахад ичра ётурсан, ёзу киш ўтгонини билмай,
Угул-кйз, ёру дўстинг бир келиб сандин хабар олмас.

Сан ўлган сўнг хама фарзандларинг молингни олгайлар,
Сани холинг нечук кечгай каро ерда, булар билмас.

Улум ёшу кари, шоҳу гадоларга баробардур,
Билинг, жон олгучи элни назарга заррача илмас.

Бу беш кунлик умрга жою манзил хам керакмасдур,
Улумни ўйлаган одам бу дунёга назар солмас.

Жаханнам оташини, гўр азобин ўйлаган одам
Сиротул-мустикаминдин ўтмагунча йиглагай, кулмас.

Хазиний, охиратга хар киши имон билан борса,
Ушал ерда ани сан англагил, ўлган била ўлмас.

* * *

Бу ўгар дунёга, дўстлар, богу бўстонинг галат,
Барчани ташлаб кетарсан, кўшқу айвонинг галат.

Хар киши дунёга келди, охири бир кун кетар,
Тоат этмай доимо беҳуда юргонинг галат.

Ўйлагилким, кеттилар деб жумлаи хешу табор,
Бир куни сан хам кетарсан, мунда тургонинг галат.

Англагил, шоҳу гадоларга баробардур ўлум,
Кил сафар асбобини, беҳуда юргонинг галат.

Тўша олмасдин борур бўлсанг худони олдига,
Тухфа келтурдингму, деб сўргонда армонинг галат.

Эй Хазиний, бу насихатга киши солса кулок,
Муддаийлар санга айтур, харна айгонинг галат.

* * *

Кўйди хам кўксум аро юз минг жафоларни фирок,
Ажратиб биздин яна кўп ошноларни фирок.

Водариго, хасрато, кетти хама ахбоблар,
Хам жудо этти яна хеш-акраболарни фирок.

Лоф уруб, олам — мани мулкум, деган шахлар кани?
Кўймагай охир, билинг, шоҳу гадоларни фирок.

Дардига топмай даво, кетти Фалотундек хаким,
Олди ер кўйинга кўп акли расоларни фирок.

Ахмади Мухтор кеттилар жахондин, дўстлар,
Юз йигирма тўрт минг хам авлиёларни фирок.

Шох бўл, хохи гадо, дунё вафо килмас санго,
Барчамизни кўймагай хам рахнамоларни фирок.

Эй ёронлар, билсангиз, дунё эрур кўхна работ,
Хотун, эркак кўймагай хам ёш балоларни фирок.

Хонакода ўлтуруб зикр айлаган шайхлар кани?
Жонини олди, билинг, кўп авлиёларни фирок.

Нақди умрингни дилингга олгуча тоатда бўл,
Эй Хазиний, айтасан зикру саноларни фирок.

* * *

Байтул-ахзоним сори Юсуф каби зебоча кел,
Сабзаларни яшнатиб, гулзор аро раъноча кел.

Мисли Мажнундек биёбонларда юрсам ох уруб,
Холи зоримни кўруб, лутф айлабон Лайлоча кел.

Остониб ёстониб ётсам, ўшал Вомик каби,
Чун тагофул айламай, хар дамда бир Узроча кел.

Хам чунон Фарход каби тоғларни кезсам неча йил,
Мисли Ширин кўлида бир ханжари бурроча кел.

Эхтиёт айлаб ўзинг, эл кўзидин пинхон килиб,
Билмасун ул шум ракиблар, килмайин ифшоча кел.

Хох кишлок, хох шаҳарда, майли, юрсанг тўффилик,
Кечаси кокул солиб, базм айлашиб, дурроча кел.

* * *

Коматингни кўрсатиб, ёр этдингу раҳм этмадинг,
Ман гарибга сукхатинг бор этдингу раҳм этмадинг.

Ваъдалар айлаб дединг, доим санго айлай вафо,
Ахду паймон синдуруб, хор этдингу раҳм этмадинг.

Дилдаги хасратларимни айтмока хамдард йўк,
Манга мунча жабр ила кор этдингу рахм этмадинг.

Ибтидоий кўрганимда илтифот этмай, яна
Чулгамокга анкабут, тор этдингу рахм этмадинг.

Неча муддат ошноликни бажо айлаб, яна
Эмдиликда на сабаб? Зор этдингу рахм этмадинг.

Дор айлаб Мансури Халлождек остурмока,
Бу жудолик риштасин, дор этдингу рахм этмадинг.

Нуктадонлар токи билсун деб Хазиний хасратин,
Ахли дониш масканин, тор этдингу рахм этмадинг.

* * *

Товус каби махваш, мастона хиромон кил,
Рафторинг аро жилванг эт, барчани хайрон кил.

Васлингни умидида юрсун хама кон йиглаб,
Хар ваъдае васлингга фуркат ила хижрон кил.

Хавф ила фарогат йўк, ўйлаб, ўйима етмай,
Арзимни баёни айлай, бу мушкилим осон кил.

Ул кадди нихол узра зебо ики норингдин
Ким, онинг талабгори, жононинга эхсон кил.

Ноз ила тагофулни тарк эт, бу Хазинийга,
Бир кеча висолингга, хо, бир, ука, мехмон кил.

* * *

Халилдек оташи Намрудга кирсам, ўлса гулзорим,
Химоят анлагай холик, ўзи бўлса харидорим.

Чикибон кухи Турга, «раббано» деб ман садо килсам,
Нидойи «лантаро»никим манго еткур Сатторим.

Бошимга арра кўйса. Зикриёни зикрини айтсам,
Худога маъкул ўлгайму мани бу феълу атворим.

Ушал Яхё каби чўллар аро оху наво килсам,
Эгамни даргахига манзур ўлгайму мани зорим?

Вужудимга тушуб куртлар ўшал Айюби собирдек,
Казосига ризо бўлсам, манго раҳм этса Гаффорим.

Кечибон тахту бахтимдин ўшал Иброхим Адхамдек,
Чакиргайму гадоликка киёмат кун талабгорим?

Фироки Лайли бирлан йигласам монанди Мажнундек,
Келиб холимни сўрганму ўшал кун жодуваш ёрим?

Илохо, Мустафони хурматидин кеч гунохимни,
Ҳазиний осийман, авф эт, хатога кетса гуфторим.

* * *

Мани мажнун хамиша ёр учун хунобалар юттум,
Бўлуб оворалар, дилдор учун хунобалар юттум.

Фирокида ўтуб умрум, муяссар бўлмади асло,
Хама меҳнатларим бекор учун хунобалар юттум.

Бўлуб Мажнунга монанд, дашту сахрода чекиб гурбат,
Висоли Лайлига ман зор учун хунобалар юттум.

Калам ёзган экан, рўзи азалда манга кулфатни
Ки тақдири азалда, ёр учун хунобалар юттум.

Машомимга етушмас бўйи роҳат, турфа хайронман
Иложин топмайин, хайрон учун хунобалар юттум.

Бу оламга келиб, бир лаҳза хуррам бўлмади кўнглум,
Фалакни кулфати бисёр учун хунобалар юттум.

Гаму хасратларимни фош этай деб, эй биродарлар,
Ҳазиний, бир неча ашъор учун хунобалар юттум.

* * *

Хонкизу Чимёнда холо Тожи бирла Тожихон,
Балки олам нчра танхо Тожи бирла Тожихон.

Ул Каровултепалик, Хонкнз холо маскани,
Жўра ул кўзига уқо, Тожи бирла Тожихон.

Лаблари лаъли Бадахшон, тишлари дурри Адан,
Хуштакаллумликда гўё Тожи бирла Тожихон.

Кудрати билан мусаввир, улки чекмиш сувратин,
Дилраболар ичра барно Тожи бирла Тожихон.

Бир ажаб махбубае, маъшукалардин беназир,
Бўлмагай ёр мунч"а зебо, Тожи бирла Тожихон.

Кўрса сохидлар агар, такво якосин чок этиб,
Солгуси бошига савдо Тожи бирла Тожихон.

Кошларин кўрган киши айлар гумон янги хилол,
Охубарра, чашми шахло Тожи бирла Тожихон.

Иклими Фаргона Зухродин топармиш тарбият,
Бул сабаб хамтоси Зухро, Тожи бирла Тожихон.

Ота бирлан онаси ким, кайда деса жойингиз,
Бўлиси Окилга фукро Тожи.бирла Тожихон.

Дилраболар сухбатин топтум, адувсиз топмадим,
Бул Хазинни килди шайдо Тожи бирла Тожихон.

* * *

Кадримга етмас бир неча нодон,
Айлар жафолар бизларга чандон.

Вола бўлубман гулдек юзига,
Мисоли булбул килурман афгон.

Лозим эмасму бизларга шафкат,
Арзимни айтай, ёримни кўргон.

Додимга етсун ул шўхи золим,
Бошига тушсун, гар бўлса осон.

О.хим тутуни оламини тутгай,
Гар келса рахминг, чикмай туруб жон.

Шод айлагайму суйган кулини?
Бўлгай ракиблар ер бирла яксон.

Хам бўлди кадднм хасрат юкидин,
Бир йўкламайдур кулфатга солгон.

Эл ичра бўлдум мажнуни бехуд,
Куйдургай охим дашту биёбон.

Нодонлигимдин домига туштум,
Хазиний янглиг борму адашгон.

* * *

Жахонда ман каби дўстлар, залилу хор бўлгайму,
Бу гам гирдобида мандек дили афгор бўлгайму.

Давом хасрат аро колган, яна хар кечаю кундуз,
Бу олам ичра мандек кўзлари хунбор бўлгайму.

Ман эмди кайси бир дардимни элга айлайн изхор,
Туганмас дардга колган бир манингдек зор бўлгайму,

Чунон гамбодадурман, бир дам орому карорим йўк,
Бу кўнгул овлагудек бир дили хушёр бўлгайму.

Фалак бошимга солди юз туман жабру жафоларни,
Кани, шул вақтларда сохиби асрор бўлгайму.

Дилим бўлди хароб, хар лахза гам хам изтироблардин,
Юрогим гилу гашдин йўк килурга ёр бўлгайму.

Агар ёдимга тушсаким, бўлурман мисли Мажнундек
Ки, бир Лайли гамида ман каби бир хор бўлгайму.

Килурман тун-сахарлар тўти янглиг оху афгонлар,
Юзум чун заъфарон янглиг хамиша зор бўлгайму.

Худовандо, Хазинийннг гунохин магфират айлаб
Ки, дохил жаннати «ин тахта ал-анхор» бўлгайму.

Сиз ани одам деманг, кўнглида химмат бўлмаса,
Балки имони хатарлик, анда гайрат бўлмаса.

Кимки.кохилдур, билинг, хамду санода хордур,
Мўъмини содик эмас ул, танда журъат бўлмаса.

Кони бўлса катра найсон гар, садаф дурр бўлгуси,
Бадниходе колгуси, анда каноат бўлмаса.

Хотами Той кофир эрди, куймади дўзахда, бил,
Куйдурур эрди эгам, анда саховат бўлмаса?

Фоний дунёдин лахадга дастхоли бормагил,
На килур холик сани, тухфанг ибодат бўлмаса?

Жон берар вақтида шайтондин ўзинг кил эхтйёт,
Бандалик номинг галат, имон саломат бўлмаса?

Халк аро расво бўлубман деб, Хазиний, гам ема,
Етмагай ҳеч ким саломатга, маломат бўлмаса?

* * *

Хижрон ўтига бағрим сўзона тонг откунча,
Уртаб юрагим, жисмим бирёна тонг откунча.

Ман Вомик-у Узро — сан, васлингга етолмасдин
Хар кеча кароргохим остона тонг откунча.

Раҳм айла бу холимга, эй кўзлари хуморим,
Хажрингда бу кўнгуллар вайрона тонг откунча,

Ҳеч кимга деёлмасман бу арз ила холимни,
Конга жигарим тўлди гирёна тонг откунча.

Хилватда агар кўрсам, сиррпмни баён айлаб,
Сан бирла бўлай анда хамхона тонг откунча.

Ахшомда жамолингни шамъини мунаввар кил,
Айтай санга холимни, парвона тонг откунча.

Найлайки, иложим йўк, хар кўчада йигларман,
Тор ўлди Хазинийга Фаргона тонг откунча.

* * *

Эй банда, худо йўлида тоатни унутма,
Рўзу шабу хар лахза, ибодатни унутма.

Жон борича излаб, туну кун ҳакни ризосин,
Албатта, биродар, бу насихатни унутма.

Бу фоний жахон айшига мағрур бўлубсан,
Дийдори худо бирла у жаннатни унутма.

Минг йил яшасанг, охири бир кун ўладурсан,
Охир бўласан, хоки мазаллатдга унутма.

Ҳеч кимга вафо килмади, дунёни билурсан,
Санго келадургон у кун, навбатни унутма.

Эй одамийзод, аслингу наслинг сани туфрок,
Ялгуз ётар бирла киёматни унутма.

Шукр айла, Хазиний, сани оламга келтурди,
Инъоми худо, ризк ила неъматни унутма.

* * *

Умидим шул киёматда, шафоат осий умматга,
Ушал рўзи аломатда, шафоат осий умматга.

Лахаддин бош кўтаргай, аввалину охирин ул кун,
Турар барча надоматда, шафоат осий умматга.

Хама гўр бошида йиглаб, кафан бўйнида ўлтургай,
Ошиб вахми ниҳоятда, шафоат осий умматга.

Малоик одам ўглини сўрар сахройи махшарга,
Турарлар анда хасратда, шафоат осий умматга.

Тарозуга солиб аъмолимизни, анда кўрсатгай,
Колиб вахму хижолатда, шафоат осий умматга.

Худо кози бўлуб, сўрсаки биздин неку бадликни,
Туруб тахти адолатда, шафоат осий умматга.

Хазиний, шукр килса хар киши, Ахмадга умматдур,
Жахим ахли шаковатда, шафоат осий умматга.

* * *

Худони ёди бирла йиглагил шому сахарларда,
Яконгни чок этиб, сан йиглагил шому сахарларда.

Фигон айлаб, гунохинг вахмидин кўркуб, надомат кил,
Алам ўтига багринг доглагил шому сахарларда.

Аё толиб, ўзингни ташлагил хакни ризосига,
Риёзат пўтасини боглагил шому сахарларда.
Аё, эй беҳабар одам, ўлумни ёд кшшассан,
Кетиб хешу таборинг, ўйлагил шому сахарларда.

Сирот ул-мустаким отлиг йўлунгда бир хатар бордур,
Утарни, эй биродар, кўзлагил шому сахарларда.

Жаханнамни азобидин ўзингни куткарай десанг,

Тилингни маъсиятдин саклагил шому сахарларда.

Ики олам муродига етай деб орзу килсанг,
Хазиний, рохи Багдод кўзлагил шому сахарларда.

* * *

Мисли Мажнуи Лайлидек девона бўлсам кошки,
Ер учун олам аро афсона бўлсам кошки.

Дайр аро пири мугон, ман телбага сунса шароб,
Боданўшини, сокини майхона бўлсам кошки.

Жоми ваҳдатда мухаббат шарбатидин нўш этиб,
Маст ўлуб. идрокдин бегона бўлсам кошки.

Шиблийдек ракс айласам хар кўчаю бозор аро,
Ишк ўтига ўртаниб бирёна бўлсам кошки.

Мулку ашёдин кечиб кетсам, ёронлар, бенишон,
Эл кўзидин бир йўли пинхона бўлсам кошки.

Заррача килса тажалли, тангри дийдорин кўрўб,
Токат этмай Турдек сўзона бўлсам кошки.

Кимки дарёйи мухаббатга чўмар, гаввосдур,
Ман, Хазиний толиби дурдона бўлсам кошки.

* * *

Ул шўхи ситамгарлар хажрида адо килди,
Хасрат юкини ортти. каддимни дуто килди.

Мугбача шаробидин бир коса тўло ичтнм,
Аввалда килиб беҳуд, аклимни кўто килди.

Шиблийни кўринг, дўстлар, нўш этти шаробидин,
Боши кизишиб, ул дам ракс ила симо килди.

Май ичсалар ошиқлар, зоҳид киладур таъна,
Мансур каби орифга юз жавру жафо килди.

Ишк лашкари касд этса, холингни хароб айлар,
Адхам каби шахларни охирда гадо килди.

Ут айла вужудингни ишкида самандардек,

Шамъ мавжигга парвона жонини фидо килди.

Рахм этмади Юсуфга, Канъонда наби эрди,
Байтул-хазан этмогга Юсуфни жудо килди.

Илмингга хаво килма, тоатга бино кўйма,
Кўрдингму такаббурни, Шайтонни сиво килди.

Бир бокиши-ла махваш, калбимга назар солди,
Сайкал берибон дилни, кўнглумни сафо килди.

Ботинда ўлуб эрдим, зохирда тирик аммо,
Исо келибон, Кум деб, хаккимга дуо килди.

Дилхаста Хазиний, сан хар дамда фигон этма,
Бошингга бу савдони албатта Худо килди.

* * *

Вафо килмас жaxon бизгаки, ул одам ато ўтти,
Кўринг, икки жaxonни сарвари ул Мустафо ўтти.

Кеча-кундуз расулуллохни олдин жудо бўлмас
Абу Бакру Умар, Уомон, Алийи Муртазо ўтти.

Улум чанголидин охир кутулмас жону жонварлар,
Нечукким, ул Хасан бирлан Хусайни Карбало ўтти.

Жaxonдин анбиёю авлиё йиглаб кеча-кундуз,
Утурмиз, деб ўлумни вахми бирлан мубтало ўтти,

Улумни дастидин, дўстлар, юрак-багрим кабоб ўлди,
Нечукким, келди навбат бизга, ул ота-ано ўтти.

Кўринг, бу «нтизору хастадил айлаб Хазинийни,
Юруб дер дарбадар доимки, умри бебахо ўтти.

* * *

Сиза жон фидо, ё хаёт аи-набий,
Килай ман гадо, ё хаёт ан-набий.

Отингиз — Мухаммад, расули худо
Ки, сиз Мустафо, ё хаёт ан-набий.

Ки, хайрул-башар, саййид ал-мурсалин,

Рисолатпано, ё хаёт ан-набий.

Мани осийни еткурур равзага
Качон ул худо, ё хаёт ан-набий?

Тавоф айласам хонайи Каъбани,
Будур муддао, ё хаёт ан-набий.

Колай «Жаннатул-Бакия» хокида ман
Ки, етса казо, ё хаёт ан-набий.

Хама умматингиз умид айлашур
Ки, рўзи жазо, ё хаёт ан-набий.

Хазиний дуоси бўлурму кабул,
Бу гарки гуно, ё хаёт ан-набий?!

* * *

Мустафога дунё вафо килмади,
Зикриёга дунё вафо килмади,
Анбиёга дунё вафо килмади,
Авлиёга дунё вафо килмади.

Абу Бакру Умар, Усмон, Алини,
Зухра бирлан Хасан, Хусайн ал валини,
Олди ажал барча мурсал-набини,
Муртазога дунё вафо килмади.

Каён кетти ўттуз уч минг сахоба
Ким, юттилар хасрат бирла хуноба,
Дунё эрур бир работи хароба,
Рахномага дунё вафо килмади.

Гавсул Аъзам авлнёлар рахбари,
Ул Мухаммад умм.атини гамхори,-
Масихога жон багишлар гуфтори,
Муттакога дунё вафо килмади.

Тохирни кўр, Зухрога дил боглади,
Ишк ўтига юрак-багрин доглади,
Тиг устида ўлмоклигин чоглади,

Ул шахлога дунё вафо килмади.

Ул Мавлавий Жомий билан Хамдамим,
Мирзо Хусайн дер эрдилар махрамим,
Бахром айтур, дилу жон-Гуландомим,
Ҳазинийга дунё вафо килмади.

* * *

Умид бирлан келибдурмиз остонага,
Назар солинг багри куйган девонага,
Хонумону молу жондин бегонага,
Шох Жалил, Подшоҳ пирим, мадад килинг.

Фаргонанинг тарбияти сиздан эрмиш,
Хар хожатманд муродини тилаб келмиш,
Зиёратга келиб, бунда йиглаб турмиш,
Шох Жалил, Подшоҳ пирим, мадад килинг.

Шафкат килинг хар талабда келганларга,
Келолмайин бемор бўлуб ётганларга,
Назар солинг бир йўл келиб кетганларга,
Шох Жалил, Подшоҳ пирим, мадад килинг.

Хар ким келса ихлос бирлан, навмид кетмас,
Умидим кўп, шу бандага гуноҳ битмас,
Иншооллоҳ, икки дунё хор анламас,
Шох Жалил, Подшоҳ пирим, мадад килинг.

Ўз исмингиз халк ичинда Шох Жалил,
Олиб келган сабза барги бизга калил,
Езиб келган рисолингиз бизга далил,
Шох Жалил, Подшоҳ пирим, мадад килинг.

Бобонгиздур Мадинада ҳақ Мустафо,
Муттаконгиз Усмон каби кони ҳаё,
Ҳазинийдур гуломингиз ожиз гадо,
Шох Жалил, Подшоҳ пирим, мадад килинг.

* * *

Олам аро ёздинг ани шухратин
Санга якин кимки тутса миллатин
Сан суярсан бешак ани умматин,
Раҳматингдин бизни раҳо килмагил.

Абу Бакру Умар, Усмон, Алини,
Сокий эттинг кавсарингга Алини,
Бизга рахбар килдинг шундог набини,
Хурматидин бизга жазо килмагил.

Хасан-Хусайн, Хайруннисо хурмати,
Бандам дегил, кулл анбиё хурмати,
Авлиёйи ахли ризо хурмати,
Хазинийга фардо жазо килмагил.

Бир ёр учун тонгла расво килмагил,
Шармандайи рўзи жазо килмагил,
Номасиях, вохасрато килмагил,
Тонгла сафи кавми тарсо килмагил.

Мустафони бизга килдинг паямбар,
Шафкатлари биз осийга баробар,
Уматларга пушту панохи махшар,
Расулингни биздин жудо килмагил,

* * *

Икки оламда эурсиз осийларга рахнамо,
Рахматан-лил-оламин, деб кўз тутар рўзи жазо,
Кабрингизда мавж уродур, рахмати нури худо,
Хар киши килса зиёрат, дардига топгай даво,
Равзайи покингга келдим, ё расули Мустафо.

Бир назар килгил манго.Одам сафийни хурмати,
Хам Халили босафо, Нухи набини хурмати,
Хам Абу Бакру Умар, Усмон, Алини хурмати,
Юз йигирма тўрт минг ўтган набини хурмати,
Равзайи покингга келдим, ё расули Мустафо.

Танда-жисмимда имон, шоиста килгил тавбага,
Ул умид бирлан бориб бошимни урсам равзага,
Хазрати Одам дуоси бўлди макбул Каъбага,
Улмасидин бул Хазинийким, борибдур Бақяга,
Равзайи покингга келдим, ё расули Мустафо.

* * *

Вой, хор ўлди шариат, динимиз бўлди гариб,
Бу нечук турфа аломат, динимиз бўлди гариб,
Е якиндурму киёмат? Динимиз бўлди гариб,
Кўп ривож олди шарорат, динимиз бўлди гариб,
Барчадин кетти адолат, динимиз бўлди гариб.

Тавба денглар, эй биродарлар, туруб шому сабо,
Айлашиб зору тазарруълар, тиланг хакдин пано,
Доимо тоат-ибодатда бўлуб, айланг дуо,
Шояд этса раҳм раббим подшоҳ, бизлар гадо,
Журм этиб, килмай надомат, динимиз бўлди гариб.

Хонакода зикрп хак монеъ, шарорат ошкор,
Барча нокаслар хукуматда сайнддур, хожа хор,
Кимда дунё бўлса, холо халк ичра эътибор,
Олиму шайхи замон хилватда йиглар зор-зор,
Жории бўлмасднн тарикат, динимиз бўлди гариб.

Яхшиларга сабр килмакдин бўлак йўктур илож,
Бу на мушкулдур, мусулмонлар берур мушрикка бож,
Турмайин Фаргона ичра эмди, Байтуллога коч,
Журм этиб, килмай надомат, динимиз бўлди гариб,

Хар каёнда бўлса, доноларни холо багри кон,
Бу фалак рафтори каж дастидин айларлар фигон,
Кўл якода, тавба деб айланг .яна пиру жавон,
Беҳабар турма, Хазиний, анкарнб охир замон,
Водариго, бу на хик.мат, динимиз бўлди гариб.

* * *

Мубталолар ноласини тун сахар, ёрим, эшит,
Кечалар хажринг биланким айлаган зорим эшнт,
Ман нисор айлай йўлингда йўк ила борим, эшит,
Мисли Санъон боғлагон бўйнулда зуннорим, эшит,
Хасратингда йигларам доим шаби торим, эшит.

ЁШ тўкарман кўзларимдин Нухни тўфонидек,
Мисли Яхёдек биёбонда Шуайб чўпонидек,
Юсуфим деб йигласам чун Яъкуби Канъонийдек,
Аввалида кул бўлуб, охир Миср султонидек
Бир калоба иф билан бўлган харидорим, эшит.

Зикриёдек хак казосига ризо бўлсаммукин,
Мисли Мусодек худойимга наво килсаммукин,
Балки Жиржисдек адувлар дастида ўлсаммукин,

Неча ўлтургон билан ўлмай, тирик турсаммукин,
Шахрму хоил, шахидин тортгон озорим эшит.

Чилла ўлтурсам нахангни батнида Юнусдек,
Улмайин жаннатга кирсам ман ўшал Идрисдек,
Шох бўлсам оламда Искандару Ковусдек,
Интизор этсам Сулаймонга яна Билкисдек,
Осаф ибни Бурҳиё келгунча хумморим, эшит.

Ул Сафиюллоҳдек, ё раббано, деб йигласам,
Хазрати Айюбдек хакнн ризосин кўзласам,
Ё Ҳадилуллоҳдек ўглумни қурбон айласам,
Мустафодек Маккадин чиксам, Мадина кўзласам,
Бу Ҳазиний турмока бу ерда ночорим, эшит.

* * *

Баҳакки Одаму Хавво, худоё, динга қувват бер,
Аё, Саттори беҳамто, худоё, динга қувват бер,
Туфайли Идрису Мусо, худоё, динга қувват бер,
Эрусан кодири якто, худоё, динга қувват бер
Ки, барча сирридин огоҳ, худоё, динга қувват бер.

Мусаллат айладинг Нуҳи набини кавмига тўфон,
Нигнн бердинг Сулаймонга, жаҳонда айладинг султон,
Ғазаб қилдингки, бўлди Лут кавми лаҳзада яксон
Ки, харна айламоқлик қудратингни олдида осон,
Ўзингсан холики ашё, худоё, динга қувват бер.

Баҳакки Юсуфу Яъкуби нобино туфайлидин,
Ушал Айюби доно, Зикриё, Яҳё туфайлидин,
Дуони мустажаб этгил раСулуллоҳ туфайлидин,
Қазога розилик берган Забихуллоҳ туфайлидин
Ки, ё раб, хурмати Исо, худоё, динга қувват бер.

Қарам айлаб, нахангни батнида Юнусга жо бердинг
Ки, қирқ кун қудратинг бирла қанотдин гизо бердинг,
Ҳалилнн душ.манига пашшаедин қўп жазо бердинг,
Ғазабни шуъласи жўш урди, кавмига бало бердинг,
Муродим шулки, маъбудо, худоё, динга қувват бер.

Шафиъ қилдим тамоми руҳи поки анбиёларни,
Жаҳонда аввалу охирда ўтган авлиёларни,
Ҳабибинг умматимиз, хурматидин кеч гуноларни
Ки, раҳмат этгучи Раҳмон, қабул қилгил дуоларни,
Ҳазиний арзи шул санго, худоё, дина қувват бер.

* * *

Ул шариат мазхари рўйи губор ўлди, дариг,
Кетти холо равнаки ислом, хор ўлди, дариг,
Козилар хукми, ажаб, беэътибор ўлди, дариг,
Зикри хак монёъ, шарорат ошкор, ўлди, дариг,
Яхшиларга тургади Фаргона тор ўлди, дариг.

Кимни имони кавий бўлса, ўшал хижрат килур,
Ул Мадина шахрига борсам, дебон ният килур,
Равзайи пайгамбаримни олдида хизмат килур,
Зиндалиқда ўлмайн ул жойини жаннат килур,
Баъзига бормас бахона равзага ўлди, дариг.

Марду зан, ёшу қарида колмади шарму хаё,
Бу сабабдин бошимизга ёгилур турлук бало,
Ким эрур сохибхукумат, шевадур анго гизо,
Бибизоат хордур, иззатда холо агниё,
Баъзилар дунё учун диндин гузор ўлди, дариг.

Динимиз бўлди гариб, бу халк холо беҳабар,
«Кўп аломатлар бўлуб ўтгай»,— деди,— хайрул-башав
Ким, хадиси Мустафо чун «Кулли явминдур батар»,
Деб эди, «Умнатларим дунё учун динин сотар»,
Пул учун мушрикларга мўъмин қарор ўлди, дариг.

Тавба денглар, эй биродарлар, туруб шому сахар,
Кўл очиб килсанг дуо, бергай худо динга зафар,
На аломат, на киёмат, неча йўл куйди камар,
Турма бу ерда, Ҳазиний, равзага килгил сафар,
Анкариб Дажжол хар узра сувор ўлди, дариг.

* * *

Тийра дилимни равшанисиз, рўшно келинг,
Афтодаларни сўргали бир, ошно, келинг,
Холи табохнинг қошига мушкилкушо келинг,
Гурбатқашида куллара, эй дилкушо, келинг,
Вақти иёдатин сўраб, кулбам кушо, келинг,

Ман ташнаман висолинга, сан, ёр, кайдасан?
Кўнгулдаги дарду гаминг агёрга айтасан,
Утлик шаробини бериб куйдурса, кайтасан?
Гурбатқашида куллара, эй дилкушо, келинг,
Вақти иёдатин сўраб, кулбам кушо, келинг.

Сабру карорим колмади, йўлингда кўз тутуб,
Умрум ичинда доимо ишкинг билан ўтуб,
Тиги ситамларинг мани жонимга касд этуб,
Гурбаткашида куллара, эй дилкушо, келинг,
Вакти иёдатин сўраб, кулбам кушо, келинг.

Зарра тараххум этмадинг, эй шўхи пурситам,
Рўзи азалда ёзмиши чун котиби калам,
Йўклармасанг Хазинийни, юз дарду минг алам,
Гурбаткашида куллара. эй дилкушо, келинг,
Вакти иёдатин сўраб, кулбам кушо, келинг.

* * *

Оч йўлум, ё раб, Мадина сорига кўйсам кадам,
Равзайи дўстунг тавофини манга килгил карам,
ХужраГш Ахмадни умматга килибсан мухтарам,
Орзу айлаб, хамиша йигласам ман дам-бадам,
Кўрмайин ўлсам, кетар кўксум аро минг дарду гам.

Аввало килсам ирода, сидку ихлосим тузиб,
Айшу ишратлар билан хою хаваслардин безиб,
Бу жахон нашъу намосндин таки кўнгул узиб,
Ул хабибинг ишкида дашт.у биёбоклар кезиб,
Мисли ўлганлар кабк айлай вужудимни адам.

Хорлик тортсам биёбонлар аро Адхам каби
Ким, мададкорим бўлуб, йўл бошласа рухи наби,
Ул Абу Бакру Умар, Усмон, мадад килса Али,
Рўсиях, шарманда уммат, кел, деса хазрат мани,
Жумла армоним кетиб, кўксумда колмасдур алам.

Аввало йўлга кадам кўйгонда эхром боглайн,
Тавбалар айлаб гунохимга. пушаймон айлайн,
Хаж килиб. Мино бориб турганда чандон йиглайн,
Муздалифдин тош отиб, иблисни багрин доглайн,
Ул «Хажар асвад» зиёротин килиб, кирсам харам.

Улмайин етсам, Мадинага бориб, анда колай,
То хаётим борича йиглаб юриб хизмат кидай,
Хар куни маркадларини гирдидин минг ўргулай,
Гар казо етса, Хазиний, остонингда ўлай,
«Жаннатул-бакя» заминидин насиб этса эгам.

* * *

Ёронлар, айтайин арзимки, хайрон килди Рахмонжон,
Мани доги билан хар жойда сарсон килди Рахмонжон,
Фирок ўти билан багримни бирён килди Рахмонжон,
Мани аклу хушим олиб, паришон килди Рахмонжон,
Шу дам бизни, биродар, чашмн гирён килди Рахмонжон.

Тараххум килки, махбуби худойимни вафоснга,
Ушандог Мустафони уммати бахти каросига,
Иложим топмадим хар дам юрогимни яросига,
Борурман кайга эмди, дўстлар, дардим давосига,
Яро бўлгон юрогимни каро кон килди Рахмонжон.

Худовандо, мани карога мубтало килдинг,
Ушандог нозанинга на сабабдин ошно килдинг,
Аввалда ошно айлабки, охирда жудо килдинг,
Висолига етурмай, бул мани мотамсаро килдинг,
Кўнгулни шахрини буздики, вайрон килди Рахмонжон.

Кўйингда хаста кул, бу чашми гирёнингга рахм этгил,
Йўлингда кеча-кундуз нола килгонингга рахм этгил,
Кизил гул гунчасидек ранги сўлгонингга рахм этгил,
Фирокинда ўлуб, юз минг тирилгонингга рахм этгил,
Хазинийга жафоларники чандон килди Рахмонжон.

* * *

Кимки хакка бандадур, фармонидин айрилмасун,
Кеча-кундуз тоатн субхонидин айрилмасун,
Барча мўъмин рахмати рахмонидин айрилмасун,
Пайрави Ахдам — шафот конидин айрилмасун,
Жон берарда гавхари имонидин айрилмасун.

Хак таоло деди дўстим тун-сахар бедорни,
Ваъда килди онлара жаннат ила дийдорни,
Хак суяр, килса саховат банда харна борин,
Рахматндин бенасиб этгай чу дилозории,
Тонгла рохат истаган эхсонидин айрилмасун.

Бу жахонга ким келибдур, бўлмасун бахти каро,
Ушбу иллатга кншини килмасун хак мубтало,
Бу касал харгиз тузолмас, доруси йўк, бедаво,
Суд йўк, кўкднн тушиб Исо анго килса дуо,
Рахмати хак доимо инсонидин айрилмасун.

Одам ўглига ажал келгунча юргай бехабар,
Охиратни ўйламас, кўнгяида йўк хавфу хатар,

Моли дунёни йнгуштурган билан ташлаб кетар,
То киёмат тонги откунча хамон гўрда ётар,
Хасрато бирла ўтуб, хандонидин айрилмасун.

Еру дўсту акраболардин жудо килган фирок,
Хасрату андух илан каддим дуто килган фирок,
Барчани хоки мазаллат ичра жо килган фирок,
Бир-биридин ажратиб сохибазо килган фирок,
Бу Хазиний, доимо суигонидин айрилмасун.

* * *

Назар сол осий умматга, тасаддук, ё расулуллох,
Хамиша кори гафлатга, тасаддук, ё расулуллох,
Мани бошланг хидоятга, тасаддук, ё расулуллох,
Ушал махшарда жаннатга, тасаддук, ё расулуллох,
Солинг дарейи раҳматга, тасаддук, ё расулуллох.

Йигилса аввалу охир ўшал сахройимахшарга,
Халойик эргашурлар барчаси ходию раҳбарга,
Тараххум кил ўш-ал соат бизнингдек осий, музтарга,
Борурмиз барча ташна сув тилаб сокийи кавсарга,
Берар ахли саодатга, тасаддук, ё расулуллох.

Худо кози бўлуб, тонгла гунохимни ҳисоб этгай,
«Хама бандам мани кошимга келсун!» деб хитоб этгай,
Мухаммадга кимиким уммат эрмастур, азоб этгай,
Ушал кунни кишиким, ўйласа доим, савоб этгай,
Етар уммат шарофатга, тасаддук, ё расулуллох.

Лахаддин бош кўтарганда хама вохасрато дерлар,
Киёмат шиддатидинким хама вовайлато, дерлар,
Хама умматларинг йиглаб яна ё Мустафо, дерлар,
Мухаммад саждага бошин кўйиб, воуммато, дерлар,
Колур уммат хижолатга, тасаддук, ё расулуллох.

Тарозуга солур аъмол элини ул киёматда,
Гунохидин савоби кўп эса, албатта роҳатда,
Биҳишт ичра кирар, хуру кусур бирлан фарогатда,
Хазиний осий уммат, саклагил хифзу химоятда,
Килай жонимни хазратга тасаддук, ё расулуллох.

* * *

Акраболар фуркатинда танда жоним ўртади,
Балки бу жонимдин ортук устихоним ўртади,

Бу жигар-багрим куюб, рагларда коним ўртади,
Чун фиरोку хажрида рухи равоним ўртади,
Сабр этиб, ман ох уруб эрдим, забоним ўртади.

Бу жахони фонийдин ўтти ёронлар, водариг,
Жондин ортук бир неча пиру жавонлар, водариг,
Ёру дўсту хамнишин, хурду калонлар, вбдариг,
Кетти кавм ила кариндош хам эронлар, водариг,
Анбиёлар хажрида оху фигоним ўртади.

Ман алардин айрилиб, эй дўстлар, девонаман,
Аклу хушу фахм ила идрокдин бегонаман,
Нолаю фарёд килиб, ман, найлайн, афсонаман,
Бир ўзумдек ахли дардни топмайин хайронаман,
Иигласам, айб айламанглар, хонумоним ўртади.

Бу фалакни кору бори, ўйласам, жаврў жафо,
Кулли жонликларга, фикр эт, килмади харгиз вафо,
Мисли йўл остида колган кнмсага мотамсаро,
Бу работи кўхнага дил богламок айни хато,
Бузди умримни фалак, андак забоним ўртади.

Еру дўсту акраболардин жудо килган фирок,
Жондин ортук ошнолардин жудо килган фирок,
Ошно, бетоналардин хам жудо килган, фирок,
Ажратнб хешу таборлардин жудо килган фирок,
Найлайнн, хажрида ман, рухи равоним ўртади.

Бу фалакни жабридин хеч ерга етмас хасратнм,
Шод бўлмай бир нафас, кундин фузун кабзиятим,
Дарду мехнат хамнншиндур, хам жахолат улфатнм,
Кўхи гам, дард ичра, найлайким, букулди коматим,
Эй Хазиний, кайгулик. найлай, жахоним ўртади.

* * *

Фикр бирла айлагил шафкат ўлумдин илгари,
Дарггхпга айлагил хизмат ўлумдин илгари,
Журм этгонннгга кил хасрат ўлумдин илгари,
Рўзу шаб тангрига кил тоат ўлумднн илгари,
Манзилингни айлагпл жаннат ўлумдин илгари.

Жон амонатдур жасад ичра, ганимат — зиндалик,
Тангрига пургирия бўлгил, бўлмагил кўп хандалик,
Рўзи махшарда шаковат халк аро шармандалик,
Хак таолога килингллар зиндаликда бандалик,

Елга дининг бермагил — гафлат, ўлумдин илгари.

Эй биродар, хар киши вақти сахар бедордур,
Хак таоло, бил, ўшандог бандасига ёрдур,
Тоатимиз дилга жаннат билан дийдордур,
Хак таолони ризоси санга кўп даркордур,
Хак сани бандам деса, давлат, ўлумдин илгари.

Бу ўлум хак барчэмизга, ўйлагил, эй ошно,
Бил, назар килгил, каён кети! тамоми анбиё,
Бир нафас кўймас жахон ичра, агар етса казо.
Хасрато.бирла кетарсан, мулку ашё бевафо,
Ол гўристонга бориб ибрат ўлумдин илгари.

Пирга кўл бер бориёзат, кетмайинн остонадин,
Пир мисоли шамъи равшан, ибрат ол парвонадин,
Ёди хак бирла бўлуб, сакла тнлинг афсонадин,
Кет, Хазиний, равзайи Ахмадга сан Фаргонадин,
Дам ганимат, айлагил хижрат ўлумдин илгари.

* * *

Кулли ашёни эгам кудрат билан бор айлади,
Бандаларга бир неча сунъини изхор айлади,
Баъзини гумрох этиб, баъзини хушёр айлади,
Неча мурсаллар этиб, мушрикни инкор айлади,
Кимкн ким имони йўктур, дохили нор айлади.

Одам ўглин ер юзига нечасин султон этиб,
Давру даврон сурдириб, кўнгулларин хандон этиб,
Бу ўлумдин бехабар юрди алар, жавлон этиб,
Тахту бахтии ажал бир кун ани вайрон этиб,
Барчасин хоки мазаллатга гирифтор айлади.

Баъзисин килди ганий, бир нечани килди гариб,
Дасти кўтохлик билан доим алар гамга кариб,
Бул жахондин ўттилар жавру жафоларни кўриб,
Мунда йиглаб ўтгучи рохат кўрар анда, бориб,
Бул жахонда яхшиларни барисин хор айлади.

Ким гариб бўлса агар, кўнглида кўп андуху гам,
Доимо элдин етар онларга хам жавру ситам
Ким, жарохатдур юроги бариси, кўрса алам,
Бу фалакдин бошига кулфат етодур дам-бадам,
Котиби кудрат ани гурбат билан ёр айлади.

Аксари одамга фарзанд бермади харгиз худо,
Баъзига бергонини кўймай яна олди казо,
Она бирлаотасин кон йиглатиб, килди жудо,
Ушбу иллатга кишини килмасин ҳеч мубтало,
Эй Хазиний, баъзини фарзанд учун зор айлади.
То етим бўлмай киши, билмас атони кадрина,
Жону дилда тарбият килгон атони кадрина,
Билмагай ҳеч ким ако бирлан укони кадрина,
Бир неча хешу табору акрабони кадрина,
Ажрагай-билгай ако бирлан укони кадрина.

Тандурустлик лаззатин бемор бўлганлар билур,
Кўп ётиб, фарзандларига хор бўлганлар билур,
Боши ёстикда ётиб афгор бўлганлар билур,
Парчае нон кадрина кўп зор бўлганлар билур,
Кимки ман-манликда, билмайдур гизони кадрина.

Дўсту душман, хар киши, бегона, хохи ошно,
Кочкуси бошинга мушкил тушса, сандин бевафо,
Сан учун ул бевафо улфат килурму жон фидо,
Дўст кадрии билмагай, бошига .тушмасдин бало,
Карию аъмо бўлуб, билгай асони кадрина.

Кўлда молинг борида бегоналардин ёр кўп,
Давлатинг кетса агар, дилдордин агёр кўп,
Хам кадимий хамнишинлардин санго озор кўп,
Сухбатингдин ихтироз айлаб яна безор кўп,
Мардуми Фаргона билгай агниёни кадрина.

Бул жахонда баъзиларни айлади тирноқка зор,
Баъзиларга холиким фарзанд берди бешумор,
Баъзини килди азиз, бир нечаларни килди хор,
Харна килса холиким, шукр айлагил лайли нахор,
Бил, Хазиний, сидк ила шукри худони кадрина.

* * *

Имом ул дам туруб, йиглаб, Илохим раббано, дейди,
Муни «Нахну каемано» да манго ёзган худо, дейди,
Эшитинглар, билинглар бу сўзимни, эй аго, дейди,
Бу ерни отини сўрсам бу дашти Карбало, дейди,
Хусайн айди, азиз жоним бўлур мунда жудо, дейди.

Бу сўзни эшитиб, йиглашти анда барча ёрони,
Эшитти элу авлоди, улуг-кичик хам ўглони,
Бу ер эрмиш, экандур одамани тўкулур кони,

Тонг откунча йиги бирлан дедилар, вой, эсиз жони,
Худоё, чорамиз йўктур, бу дарда на даво? дейди.

Кўрушуб, йигладилар дам-бадам бир-бирлари бирлан,
Ризолик тилашиб хар бирлари кўнгуллари бирлан,
Качон парвони бор ахлу аёл, ўгулларй бирлан,
Киёмат шўршпи бўлди, хама ўз-ўзлари бирлан,
Гумон йўктур, аё дўстлар, хама кори худо, дейди.

Ватандин айрилиб, эмди гариблик йўлида колдим,
Ишимиз ўнг келодур деб, валекин сўлида колдим,
Имом учун, билинглар, Карбалони чўлида колдим,
Азалда бу экан кисмат, Язидни кўлида колдим,
Йиги килмок керак, дўстлар, хама кори худо, дейди.

Тонг откунча аларни пшлари анда йнгн бўлди,
Ииги бирлан тонг оттурдн, Хазиний, юзлари сўлди,
Ватандин айрилиб, барча юраклар гуссага тўлди,
Казога рози бўлдилар, атодин илгари ўлди,
Хама ёронлари йиглаб, Хусайи учун худо, дейди.

* * *

Эй ёронлар, гам билан ман хору зор ўлдум, нетай,
Бўлмайин хуррам, жахонда дилфигор ўлдум, нетай,
Хаста, махзунликда колдим, ошкор ўлдум, нетай,
Дард тортмокликга, дўстлар, бекарор ўлдум, нетай,
Дилрабони кўрмока бўлдим хумор, ўлдум, нетай.

Мисли Мажнундек фироки Лайлида овораман,
Кўхкан янглиг Ширинни хажрида дилпораман,
Остонинг ёстониб Вомик каби бечораман,
Хамчу Тохирким казони дастида овораман,
Ёрни васлига етмокга ўлор ўлдум, нетай.

Гамни зиндонида колдим, бормикин манго нажот?
Шояд ул битгаймукин рахм айлабон, хатти барот,
Чикмайин ўлсам, фано чохида чун топсам вафот,
Шох Хусайндек ташна бўлсам, ичмайин оби Фрот,
Шамр малъун дастида коним тўкор ўлдум, нетай.

Бормукин дунёда хеч ким ман каби гамга кариб,
Тах-батах кондур юрогим, бир киши кўрса ёриб,
Хаста холимни кўруб, рахм этмади хозик табиб,
Дил яросини иложин килмади мархам кўйиб,
Гусса бирлан ох уруб, жондин гузор ўлдум, нетай.

Мисли Адхам тахту бахтим ташлабон кетсаммукин,
Тогу чўлларни кезиб, байтул-харам борсаммукин,
Мустафони равзасини хаж килиб келсаммукин,
Остониғ ёстониб, гафлат килиб ётсаммукин,
Халк аро расво, Хазиний, шармисор ўлдум, нетай.

Гамгузоре бул жахон, бир-бир кетарни ўйласун,
Юрмасун ялгуз, киши рохи хатарни ўйласун,
Вакти етганда амонатни тутарни ўйласун,
Бул каро ер барчани бир-бир ютарни ўйласун,
Хасрато, вовайлато бирлан кетарни ўйласун,
Хар киши ер остида ялгуз ётарни ўйласун.

Моли дунёни йиғуштурган билан бир кун колур,
Жон амонатдур кишига, охири бир кун олур,
Кўп халойик мол учун ўзини кулфатга солур,
Хар киши дунёга келди, билсангиз, охир ўлур,
Хасрато, вовайлато бирлан кетарни ўйласун,
Хар киши ер остида ялгуз ётарни ўйласун.

Анбиёю авлиёлар ўлмайн колгони йўк,
Куллу нафсин зоикатул-мавтни билгони йўк,
Барча кетганлар бу дунёга таки келгони йўк,
Кайси соат жон берорини киши-билгони йўк,
Хасрато, вовайлато бирлан кетарни ўйласун,
Хар киши ер остида ялгуз ётарни ўйласун.

Бандалик килгил тирикликда, ганиматдур нафас,
Кеча-кундуз йигламокни, эй биродар, килма бас,
Ушбу дунё ишлари, беҳудадур хою хавас,
Жон мисоли андалибдур, бу жасад мисли кафас,
Хасрато, вовайлато бирлан кетарни ўйласун,
Хар киши ер остида.ялгуз ётарни ўйласун.

Ушбу дунёдин гузар килди ўшал Одам ато,
Шиш пайгамбар ила Нухи наби, вохасрато,
Хам яна Иброхиму Исмоилу хам Зикриё,
Мустафо кетти, Хазиний йиглади «во уммато»,
Хасрато, вовайлато бирлан кетарни ўйласун,
Хар киши ер остида ялгуз ётарни ўйласун.

* * *

Кўнгулни, эй биродар, боглама дунёга, хижрат кил,
Тириклик, бил ганимат, турмайин укбога хижрат кил,
Бино кўйма иморат мулк ила ашёга, хижрат кил,
Кечиб, Фаргона мулкни бериб тарсога, хижрат кил,
Олиб ахлу аёлинг, эмди Байтуллога хижрат кил,
Мадина — равзайи поки расулуллога хижрат кил,

Туганди эмди дунё, эй биродарлар, бўлинг огох,
Дари тавба ёпилмай, кетма-санг холингга вовайло,
Хуружи колди эмди Махдию Дажжол ила Исо,
Олиб ахлу аёлинг, эмди Байтуллога хижрат кил,
Мадина — равзайи поки расулуллога хижрат кил.

Хама шугл айлади холо зино бирлан шароратга,
Худога бандаман, дерлар бўюн сунмай ибодатга,
Керак хижрат килиш пайгамбарим ётган вилоятга,
Якин турмок учун етгай киёматда шафоатга,
Олиб ахлу аёлинг, эмди Байтуллога хижрат кил,
Мадина — равзайи поки расулуллога хижрат кил.

Сайду хожа, мулло, яхшиларга зарра хурмат йўк,
Факирларнинг дилида заррача сабру каноат йўк
Ки, устоз бирла шогирд хам муриддин пирга хизмат йўк,
Нечук хикмат, Хазиний, хонзколар ичра сухбат йўк,
Олиб ахлу аёлинг, эмди Байтуллога хижрат кил,
Мадина—равзайи поки расулуллога хижрат кил.

* * *

Гунохимни, худоё, рўзи махшарда хисоб этма,
Жухуду габру тарсолар каторида азоб этма,
Жаханнам оташига куйдуруб, жисмим кабоб этма,
Санго килдим тазарруъ, ноумид айлаб итоб этма,
Узинг раҳм айлагил, Фаргонани зери туроб этма,
Бу дорул-мулкни Тошканд, Андижон янглиг хароб этма.

Туфайли хазрати Шохи Жалил — авлоди пайгамбар,
Абу Бакру Умар, Усмон, бахакки сокийи кавсар,
Шафиъ килдим икки шахзодани, кахр этмагил яксар,
Газаб килгаймукин бизларни хам, чун барчамиз музтар,
Узинг раҳм айлагил, Фаргонани зери туроб этма,
Бу дорул-мулкни Тошканд, Андижон янглиг хароб этма.

Ки, сандин кўркмайин бир неча одам хаддидин ошти,
Зироат ўрнига эл маъсиятлар тухмини сочти,
Гунаҳ дарёси мавж урди, жахон ичра тўлуб тошти,

Бало бошига келгунча халойик турфа кўп шошти,
Узинг раҳм айлагил, Фаргонани зери туроб этма,
Бу дорул-мулкни Тошканд, Андижон янглиг хароб этма.

Хатоси хаддин оштики, Лут кавмини ер ютти,
Ушал Нуҳи набини уммати тўфон била кетти,
Мухаммад умматига бу аломат феълидин етти,
Гуно.хи кўплигинин холнким бу ерни тебрлатти,
Узинг раҳм айлагил, Фаргонани зери туроб этма,
Бу дорул-мулкни Тошканд, Андижон янглиг хароб этма.

Кўруб мундог аломатни, ганийларда саховат йўк,
Фақирларни дилида заррача сабру каноат йўк,
Замона шайхларида холисанлиллах ибодат йўк,
Риё тоат килур халк ичра, хилватда риёзат йўк,
Узинг раҳм айлагил, Фаргонани зери туроб этма,
Бу дорул-мулкни Тошканд, Андижон янглиг хароб этма.

Яраттинг кулли ашёни ўзинг бир «коф»у «нун» бирлон
Ки, харна айламоқлиг кудратингни олдида осон,
Газаб килсанг, килурсан барчасини ер била яксон
Ки, Саттор ул-уюб исминг, шафиъ эттим букун, Раҳмон,
Узинг раҳм айлагил, Фаргонани зери туроб этма,
Бу дорул-мулкни Тошканд, Андижон янглиг хароб этма.

Хабибинг хурматидин умматин кечгил гуносини,
Узинг авф этмасанг, мушкул эрур килгон хатосини,
Талаб килгон гадога даргахингдин муддаосини,
Худовано, қабул этгил Хазиний илтижосини,
Узинг раҳм айлагил, Фаргонани зери туроб этма,
Бу дорул-мулкни Тошканд, Андижон янглиг хароб этма.

* * *

Бу фоний дунёдин жумла паямбар кетти, ким колди,
Хусусан ул Мухаммад тожи махшар кетти, ким колди,
Шафоатхохимиз оламга сарвар кетти, ким колди,
Абу Бакру Умар, Усмону Хайдар кетти, ким колди,
Хасан бирла Хусайн хунин жигарлар кетти, ким колди,
Хама лабташнага сокийи кавсар кетти, ким колди.

Хамиша остони хазратимга бошини урган,
Туну кун хизмат айлаб, жону дилни хакка топшурган,
Набийнони муборак юзларини доимо кўрган,
Рикоб ушлаб газода, Шохимардон ёнида турган,
Алини чоқари, дунёда Канбар кетти, ким колди,

Очибон боби Хайбар, шери сафдар кетти, ким колди.

Кўринг Афлотуни оламни илмин айлаган тасхир,
Арасту бирла Сукроту Сулаймон — шохи оламгир,
Хазорон умр кўрган Золу Лукмон кетти бетаъхир,
Улумга килмадилар шунча хикматлар била тадбир,
Доги Нўширавон, Жамхури Озар кетти, ким колди,
Амир Хамза била неча диловар кетти, ким колди.

Асар борму ўшал Нухи наби, Айюби донодин,
Худодин роз эшитган кўхи Тур устида Мусодин,
Нафас таъсир килгон мурдага Исо — Масиходин,
Жахон, оламга шухрат хазрати Юсуф, Зулайходин,
Ушал Одам ато, Хаввойн модар кетти, ким колди,
Яна Рустам била Доро, Скандар кетти, ким колди.

Ажал илгида кетти, колмади ул шохи дин Адхам,
Чин ошик эрдилар Фарходу Ширин, Лайли, Мажнун хам,
Адам бўлгай ахири хашр бўлса, ой била кун хам,
Валекин неку бадни кабр ичидин чикмагай ун хам,
Сахоба тобеъин Султони Санжар кетти, ким колди,
Жахон гулзоридин гул то санубар кетти, ким колди.

Етиб дастн ани Урганжу Мавру токи Исфихон,
Олур божу хирож Чин, Шому Кобул токи Хиндистон,
Фарангу англис овозасидин кўркушуб сўзон,
Колурму бу жахон ичра ажални дастидин бир жон,
Шаханшоҳу салотин хафтқишвар кетти, ким колди,
Бухоро мулкидин Султон Музаффар кетти, ким колди.

Качон Фаргонада хонлар элидин Маллахон ўлди,
Алардин сўнг кочибаъзи, шарият, дин ямон ўлди,
Кўрингким, бир-бирини катл этарга пахлавон бўлди,
Хазиний, яхшилар токат килолмай бенишон бўлди,
Алимкулдек баходур шохи лашкар кетти, ким колди,
Шаходат орзусин этган аскар кетти, ким колди.

Анкариб — якин бўлиш
Адув — душман
Аъмо — кўзи ожиз, кўр
Аъмол — амаллар, ишлар
Агниё — бонлар, бирлиги: ганний

Байтул-хазан— гам-хасрат уйи
Батн — корин
Бакя — давоми, колгани
Бибизоат — хеч нарсасиз, камбагал
Бетаъхир — тўхтамай
Бехамто — ягона, якка, ўхшаши йўк
Ва-л ябку касиран — кўп йигласин [арабча]
Габр — оташпарастан, мажусий
Гису — ўрилган соч, кокил
Дажжол — охир замонда пайдо бўладиган алдокчи, фирибгар шахснинг номи
Дайр—1] бутхона, 2] майхона
Диловар — ботир, кахрамон
Дорул-мулк— мамлакатнинг марказий шаҳри, пойтахт
Дуто — эгилган, букилган
Жахим—жаханнам, дўзах
Жоми вахдат — яккаю ягона худо
Жомиъ ал-Куръон — Куръонни жамловчи
Журм — гуноҳ.
Залил — хор, тубан, паст
Зери туроб — тупрокнинг таги
Зуннор — насронийлар, зардуштийлар белига.боглаб юрадиган ип [гайри мусулмонлпк белгиси]
Иёдат — беморни кўргани бориш, касалдан хол сўраш
Ифшо — ошкор қилиш, фош қилиш
Ихтироз — сакланиш, ўзини четга олиш
Кавсар — бихишт [жаннат]даги булокнинг номи
Кироман котибайн — одамнинг елкасида ўтириб, унинг яхши ва ёмон ишларини ёзиб боровчи икки фариштага ишора
Кохил — суст, танбал
«Коф»у «нун»— мазкур харфлардан таркиб топган арабча «кун» [бўл] сўзига ишора
Кулли бани — хамма кавм, барча одамлар
«Куллу нафсин зоикатул-мавт» — хар бир жон [нафс] ўлим мазасини тортиб кўради [арабча]
Кўжкан — Фарходнинг лакаби
Лайлу нахор — кечаю кундуз.
Мазхар— ошкор, намоён бўладиган жой
Маркад — мозор, кабр
Машом — димоғ, бурун
Маъсият — гуноҳкорлик
Махшар — қиёмат.
Минкор — қушнинг тумшуги
Мифтоҳ — қалит
Муддаий — даъво қилувчи
Музвар — мажбур бўлган, ночор, ноилож
Мусаллат — голиб бўлиш, енгиш
Мустафо — 1) танланган; 2) Мухаммад алайхис-саломнинг лакабларидан бири

Муттако — суянчик
Мушкилкушо — мушкилларни ечувчи
Мушрик—1) худонинг ягоналигига ишонмайдиган одам; 2) бутпараст
Мугбача— 1) майфурушлик дўконининг хизматкори, шогирди; 2) сокий
Мухол — кийин, имкондан ташкари
Набийно — пайгамбаримнз (арабча)
Найсон — сурёний ойининг еттинчиси. Ривоятга кўра, гўё шу ойда ёккан ёмгир катраларидан садафда марварид йигилади, апрель.
Нигин — узук, мухрли узук
Нибино — кўзи ожиз
Оби хайвон — тириклик суви
Пайрав — издош
Пашмина— 1) жундан тўкнлган мато. 2) чакмон
Пири Канъон — Юсуф алайхис-саломнинг отаси Яъқуб алайхис-саломга ишора
Пири мугон—1) зардуштий динининг пешвоси. 2) Майхона эгаси.
Пушту панох — сунчик, хомий, мададкор
Пўта, фўта — белбог
Расул — пайгамбар, элчи
Расулуллох — оллохнинг элчиси, пайгамбар
Рахзан — йўлтўсар, карокчи
Рахматан лил-оламин — бутун оламларга рахмат килиб... (арабча)
Рахо килмок — куткармок
Риёзан — машаккат
Ризвон — саккиз бихиштнинг бири
Рикоб — узанги
Рисолатпанох — элчилик, пайгамбарликнинг панохи, Мухаммад алайхиссаломнинг сифатларидан бири
Регистон— 1) кумлик жой, кумлок; 2) Фаргона вилояти Багдод ноҳияси Чопдор кишлогидаги жой
Рўшно — нур, ёруглик
Савт—1) садо, овоз; 2) камчи
Саййид ал-мурсалин — элчиларнинг сиййиди
Саттор—1) беркитувчи, яширувчи; 2) мажозий айбни беркитувчи, худонинг сифатларидан бири
Сафдар — ботир, жасур
Сахоба — пайгамбар Мухаммад алайхис-саломнинг хамсухбатлари
Сиво — бошка, бўлак: (мосиво — хамма нарсадан махрум)
Сиротул-мустақим — тўгри йўл
Симо—1) кўшик, хониш; 2) завк-шавк холати
Табох — хароб, вайрон
Тажалли—1) жилва килиш, ошкор бўлиш, 2) илохий нур
Тараххум — раҳм килиш
Тарикат —1) йўл, мазҳаб, 2) тасаввуф таълимоти бўйича ҳаққа етишиш йўлидаги иккинчи боскич.
Тасаддук — 1) садака килиш, яхшилик килиш, 2) кечириш, гунохидан ўтиш

Тасхир — кўлга киритиш, забт этиш
Тагофул — билиб-билмасликка солиш
Тўша — озик-овкат, йўл озиги
Укбо — охират, нариги дунё
Фужур — тўгри йўлдан озиш
Фузун — ортик, кўп
Хайр ила шарр — яхшилик билан ёмонлик
Хайрул-башар — 1) одамларнинг яхшиси, 2) Мухаммад алайхис-саломнинг лакабларидан бири
Халофат — халифалик, подшолик
Хатти барот — озодлик хати, халос бўлиш хужжати
Хукбон — тўнгиз бокувчи
Хуштакаллум — ширинсўз
Чокар — хизматкор
Шарорат — ёмонлик
Шафиъ килмок — воситачи килмок
Шаковат — бахтсизлик, кийинчилик
Шаходат— 1) гувоҳлик, 2) шаҳид бўлиш, қурбон бўлиш
Шойиста — лойик, муносиб
Эрон (эран) — эр, мард
Эҳром — хажга борувчилар киядиган ок либос
Яксар— 1) танхо, якка, 2) бирданига, дафъатан
Кабзият — кийинчилик, машаккат
Кавий — бакувват, кучли
Калил — озгина
Кобизул арвох — Азронл
Конё (кониъ)— каноат килувчи, рози бўлувчи
Кум — Тур (арабча)
Гамбода — гамгин, гам ютган
Гайр — бошка, бўлак; гайр аз худо — худодан бошка
Галат — нотўгри
Ганий — бой, бадавлат
Гизо — овкат озик
Гилу гаш — паришонхотирлик, ташвишланнш
Гино — бойлик _
Гулом — кул
Гурбаткашида — гарибликни кўрган, мусофирлик машаккати тортган
Хажарул-асвод — Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги мукаддас кора тош
Хазорон (хазор) — минг
Дашр— 1) тўпланиш, йигилиш, 2) киёмат
Хафткишвар - етти мамлакат
Хидоят — тўгри йўл кўрсатиш
Хижрат — кўчиш
Хифз— асраф, саклаш
Ходий — тўгри йўл кўрсатувчи, рахбар
Хозик — яхши билувчи, ўз хунарини яхши ўзлаштирган одам

Хотами Той - сахийлиги билан ном козонган араб кабила бошликларидан бири.

Адан—Яманнинг жанубида жойлашган шаҳар номи

Байтулло — Макка шаҳрида Каъба зиёратгохи

Бобил — Ироқдаги қадимий шаҳар. Вавилон

Жаннатул-Бақя — Саудия Арабистонининг Мадина шаҳридаги жой.

Мийно — Арабистондаги бир тоғ

Муздалифа — хажга борганлар Арофат тоғидан Мийнога қайтаётганда тўхтайдиган жой

Тур — Арабистондаги тоғ

Хайбар — Мадина билан Дамашк ўртасидаги воҳа ва довон номи; 628 йилда пайгамбар

Мухаммад

алайхис-салом забт қилган қалъа

Хонкиз, Чимён — Фарғона вилояти, Фарғона ноҳиясидаги қишлоқлар Каровултепа — Фарғона

вилояти, Бағдод ноҳиясидаги қишлоқ

Абу Бакр — пайгамбар Мухаммад алайхис-саломнинг энг яқин саҳобаларидан бири

Адхам — машҳур балхлик Иброҳим Адхам, лақаби Абу Исҳоқ, 777 йилда вафот этган

Айюб — исломдан аввал ўтган пайгамбар, ҳамма азоб-уқубатларга бардош бергани билан ном козонган

Али — Мухаммад алайхис-саломнинг қуёвлари

Алимуқул — Қўқон хонининг сарқардаси, чор аскарларига қарши қурашда ҳалок бўлган

Арасту — таниқли юнон файласуфи Аристотель (эраמידан аввалги 384—322- йиллар)

Билқис — Сулаймон пайгамбарнинг хотини

Вайсул Қаран — Шайх Увайс Қараний. Увайсия тариқатнинг асосчиси

Довуд — исломиятдан аввал ўтган пайгамбар. Сулаймон пайгамбарнинг отаси

Халилуллоҳ — исломиятдан аввал ўтган Иброҳим пайгамбарнинг лақаби

Шиблий — машҳур шайх Абу Бакр Мухаммад Жаъфар ибн Юнуснинг таҳаллуси (861—945 йиллар)

Шох Жалил — ривоятларга кўра, мазкур киши пайгамбаримиз авлодларидан бўлиб, макбараси Фарона

вилояти Бувайда ноҳиясидаги Пошшопирим қишлоғида жойлашган. Мазкур макбара меъморчилик

обидаси сифатида давлат муҳофазасига олинган.

Шуайб — исломиятдан аввал ўтган пайгамбар

Юнус — исломиятдан аввал ўтган пайгамбар

Юсуф — Яъқуб пайгамбарнинг ўғли